



Халқ сўзи

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 9 апрель, № 72 (7852)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ҚУЙИ ПОҒОНАДАГИ РАҲБАРЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРИБ, ТАДБИРКОР БИЛАН ДЎСТ БЎЛИБ ИШЛАМАСА, НАТИЖА БЎЛМАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодийнинг устувор йўналиши этиб белгиланган ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига жами 120 триллион сўмлик кредит ва молиявий ёрдамлар ажратилди. Натيجада пандемиядан зарар кўрган 104 мингдан ортиқ корхоналар фаолияти тикланиб, хусусий корхоналар пул айланмаси ўтган йилдагига нисбатан 33 фоиз ўсди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 27 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил топган. Тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 13 фоиз ўсган.

Йиғилишда айрим ҳудуд ва сектор раҳбарлари яратилган бу имкониятлардан ҳалигача тўлиқ фойдалана олмаётгани қайд этилди.

— Жуда оғир йилларда яшаймиз. Ҳар кун иланиш, интилиш ва пировард мақсадга ишлас керак. Тадбиркорни қўллаб-қувватламасак, уларга шароит яратмасак, тадбиркорларни кўпайтирмасак, шаҳар ва туманларда маҳаллий бюджет кўпаймайди-ку. Биз кичик кўп маблаг бермайлик, Фармон-қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, қуйи поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларига ўз ҳудудда тадбиркорликнинг аҳоли кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддилардан қайси ҳудудда қайси тадбиркорлик йўналишлари ривожлантирилиб, нечта янги лойиҳа амалга оширилиши, қанча иш ўрни яратилиб, қанча аҳоли иш билан таъминланиши буйича сўров бўлди.

Айтиб ўтилганидек, ривожланишдан ортда қолган 33 та тумандан 28 тасида кескин ўзгариш бўлган. Бу туманларда 2 мингта янги лойиҳа бажарилиб, 25 мингта янги иш ўрни яратилган.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига шу тажриба асосида, ҳар бир маҳалланing ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш, маҳаллий Кенгашларда тасдиқлаш, ижросини ташкил этиш буйича кўрсатмалар берилди.

Тадбиркорлик учун ер ва бинолар ажратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлигини таъминлаш учун уларга ўзи яшайдиган маҳаллада шароит яратиш бериш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, маҳалла идоралари биносида тадбиркорлик лойиҳаларини ишга тушириш ёки хусусий шериклик асосида бино қуриб, биргаликда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, замонавий конструкциялардан кўнча шох-чочлар қуриш ҳам қулай ва арзон.

Мутасадди ташкилотларга енгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шох-чочларини ташкил этиш, уларни аукцион орқали жойлаштириш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларининг бошланғич нарҳини 50 фоизгача чегирма билан сотувга қўйиш ваколатини маҳаллий Кенгашларга бериш таклифи билдирилди. Бундан ташқари, унумдорлиги паст бўлган ва фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларида ҳам кичик саноат зоналари ташкил этиш мумкинлиги айтилди.

Бизнес барқарорлиги учун инфраструктура сув ва ҳаводек зарур. Лекин жойларда бу борада камчиликлар борлиги тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлмоқда.

Жумладан, инфраструктурадаги муаммолар туфайли 320 та тадбиркор сўнги 2 йилда импорт қилган 220 миллион долларлик асбоб-ускуналарини ишга тушира олмапти.

Яна бир мисол — электр қуввати паст бўлгани боис, Янгиҳаёт туманидаги 24 та корхонада 2,5 мингта иш ўрни ва экспортдан йилгига 25 миллион доллар йўқотилмоқда.

Шу боис саноат зоналарини инфратузилма билан таъминлашга жорий йилда 2 триллион сўмдан зиёд маблаг ажратилмоқда. Бунинг эвазига йил якунига қадар 168 та саноат зонаси 468 километр электр энергияси, 362 километр газ, 405 километр сув тармоқлари ва 104 километр йўл билан таъминланади.

Бизнес-омбудсманга жойларга чиқиш, тадбиркорларнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш бориши ва уларни ҳал этиш буйича Бош вазирга таклифлар киритиш топширилди.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-

қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Пандемия даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион сўм ажратилган эди. Бунинг ҳисобидан 20 мингта янги иш ўрни яратилди.

Шу боис Марказий банкка жорий йилда оилавий тадбиркорлик учун ажратилаётган маблағларнинг камида 1 триллион сўмини хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги лойиҳаларга йўналтириш буйича кўрсатма берилди.

Шунингдек, компенсация бериладиган кредитлар фоизи микдори Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан 1,75 бараваригача оширилиши белгиланди.

Жорий йилда тадбиркорларга айланма маблағлар учун камида 40 триллион сўм кредит, бундан ташқари, Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 1 триллион сўми ҳисобидан экспортёрларга “револьвер” кредитлар ажратиш мумкинлиги айтилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида уч йил давомида солиқларни ўз вақтида тўлаган интизомли тадбиркорларга солиқларнинг 50 фоизини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш тартиби ишлаб чиқилди.

Шунингдек, экспортнинг валютаси чет элдан ўз вақтида келиб тушмагани учун жарима микдори 2 бараварга қисқартириш, мажбурий ижро орқали ундирилмаган қарздорликни бюджет ва тадбиркорлар фойдасига тенг тақсимлаш буйича топшириқлар берилди.

Давлат харидлари кичик ва ўрта бизнес учун катта имконият экани, ҳокимлар тадбиркорларни ушбу жа-

раёнга янада фаол жалб қилиб, уларнинг давлат харидларидаги улушини камида 2 бараварга ошириши зарурлиги таъкидланди.

Тадбиркорлик ривожига бандлик масаласи билан боғлиқ. Жорий йилда бандлик дастури асосида 457 мингта доимий янги иш ўрни ташкил этиш мақсад қилинган.

Хусусан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда янги яққа тадбиркорлар фаолиятини ташкил этиш ҳисобига 210 мингта, тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳисобига 248 мингта янги иш ўрни очил мўлжалланган.

Бундан ташқари, 40 минг нафар ишсизга ўзини ўзи банд этиши учун 92 миллиард сўм субсидия ажратилиши белгиланган.

Йиғилишда бу масаланинг долзарблигига яна бир бор аҳамият қаратилиб, мутасаддиларга қатор топшириқлар берилди.

Жорий йил биринчи чорагида 36 триллион сўм бюджет тушуми таъминланиб, маҳаллий бюджетлар истиёрида 1,6 триллион сўм қолдирилгани қайд этилди. Бор манбаларни кенгайтириб ва қўшимча захираларни таҳлил қилиб, бундан тўғри ҳам тушуларни қафолатли таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Фаолиятида сусткашликка йўл қўйган, тадбиркорлар билан ишлаган етарлича эътибор бермаган ҳокимлар ва сектор раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар натижасида барча соҳалар қатори диний-маърифий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Муқаддас динимизнинг тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларини, ислом цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуг аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида кенг имкониятлар очилмоқда.

Айниқса, юртимиз мўмин-мусулмонлари халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат ва хайру саховат рамзи бўлиб келган муқаддас Рамазон ойини катта шоду хуррамлик ва шукроналик билан қутиб олиб, эзгу амалларни адо этмоқдалар. Ушбу муборак ойнинг жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида:

1. 2021 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 13 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини қарантин қоидаларига риоя қилган ҳолда миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб ҳолда ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 8 апрель

Муносабат

КИНО САНЪАТИ ВА САНОАТИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Шу йилнинг 7 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кино санъати ҳамда санъати тараққиётига хизмат қилувчи бир йўла иккита муҳим ҳужжат — “Кино санъати ва санъатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон ва “Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида”ги қарор имзоланди.

Ҳўш, мазкур тарихий ҳужжатлар миллий кино санъатимиз ривожига қандай ўзгариш ва янгиликларни олиб киради? Соҳага татбиқ этилаётган самарали механизмлардан қутулаётган натижалар нималардан иборат бўлади?

Муҳбиримиз ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишлаб “Ўзбеккино” Миллий агентлигидан ўтказилган анжуманда қатнашиб, соҳа ходимлари, кино ижодкорлари фикрларини ёзиб олди.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йил 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини 2021 йил 23 апрель куни чақириб тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисида бир қатор масалалар кўриб чиқишли рижалаштирилган. “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари тўғрисида”ги, “Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги, “Нотариолик фаолияти тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия, иккинчи томондан, ўртасида шерикчиликни таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимини (Тошкент, 2019 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти, Бош прокурорнинг прокуратура органларининг 2020 йилдаги фаолияти, Марказий банк бошқаруви раисининг Марказий банкнинг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилиши назарда тутилган.

Шу билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртлири би-тирувчиларини иш билан таъминлаш ҳолати тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласи муҳокама қилиниши рижалаштирилган.

Қолаверса, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда богдорчилик-узумчилик ширкатларининг амалдаги фаолияти ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқи-лиши назарда тутилган.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Парламент дипломатияси

Ўзбекистон — Саудия Арабистони:

АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон — Саудия Арабистони парламентлараро дўстлик гуруҳининг биринчи йиғилиши видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтди.

Учрашувни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов кириш сўзи билан очди. Саудия Арабистони Ватанимиз мустақиллигини 1991 йил

30 декабрда эътироф этиб, 1992 йил февралда икки мамлакат ўртасида элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлардан биридир.

2

9 апрель — Амир Тему́р таваллуд топган кун



СОҲИБҚИРОННИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Кўхна Турон заманидан азал-азалдан кўплаб заковатли, улуг сиймолар етишиб чиққан. Имом Бухорий, Имом Термизий, Беруний, Ибн Сино қаторида Амир Темурнинг номи ҳам тарих саҳифаларида мангуликка муҳрланган. Дунёни мўғул босқинчилари истилосидан сақлаб, давлатларнинг, бинобарин, бутун жаҳоннинг тараққиётига замин яратган Турон фарзанди Амир Темур — инсоният тарихидаги буюк шахслардан бири. Унинг темурийлар салтанатининг асосчиси ва йирик давлат арбоби сифатида кўрсатган хизматлари беқиёсдир.

Соҳибқироннинг голибона юришлари, олиб борган адолатли сиёсати, давлат ишлари ҳамда чет мамлакатлар билан ўрнатган дипломатик муносабатлари унинг эзюк ақл ва терефир эгаси, ўткир эҳон ҳамда донишманд шахс булганлигидан далолат беради. Мана шу фазилатлар туфайли у тароққ халқларни бир туг остига бириштира олди, дунёга машхур сиёсатчи ва давлат арбоби сифатида танилди.

Амир Темур давлатни идора қилишда салтанат, хазина,

4

ФИДОЙИ ВА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Учинчи ренессанс пойдеворининг тамал тоши

Дунё ишлар билан ўзгараётган, фан, таълим ва технологиялар соҳасида илгор янгилашган юз бераётган бугунги кунда мамлакатимизда навқирон авлодни, жумладан, ёш кадрларни замон талаблари ҳамда бугунги кун рақобатига чидамли қилиб тарбиялаш ниҳоятда долзарбдир.

Нуқтаи назар

Кадрлар сифатини ошириш, уларда касбий компетенцияларни тўғри шакллантиришда узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинида ишни тўғри ташкил этиш, ўспиринлар тарбия-ди ташкилотлар томонидан йи-гит-қизлар кўтарган муаммолар-ни ҳал қилишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги Фармонида мувофиқ, 30 июнь юртимизда “Ёшлар кунини” сифатида нишонлаб келин-моқда. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи йигит-қизларимизни

шароит яратиш давлат сиёсати-нинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ёшлар билан мунтазам мулоқот қилишни йўлга қўйган. Мутасадди ташкилотлар томонидан йи-гит-қизлар кўтарган муаммолар-ни ҳал қилишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги Фармонида мувофиқ, 30 июнь юртимизда “Ёшлар кунини” сифатида нишонлаб келин-моқда. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи йигит-қизларимизни

рағбатлантириб бориш мақсади-да “Мард ўғлон” Давлат муко-фоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Мамлакатимизда “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дасту-ри, шунингдек, ёшларни мада-ния, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологияла-ри буйича саводхонлигини оши-риш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашни ўз ичи-га олган беш муҳим ташаббус самарали амалга оши-рилмоқда.

4



Рустам НАЗАРМатов олган сурат.

Ялпи мажлисдан сўнг

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИМИ, АЛБАТТА, ҲАЁТДА ЎЗГАРИШ БЎЛИШИ КЕРАК

Авал хабар қилингандек, парламент кўйи палатасининг кўни кеча бўлиб ўтган мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари қизғин, конструктив муҳокама қилинди. Бунда асосий эътибор тўғрисида тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш, уларнинг ҳаётимиздаги таъсирчанлигини ошириш, бу борада аниқ механизм ва ҳуқуқий кафолатларни қўллаш масалаларига қаратилди. Зеро, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нуктада таъкидлагандек, ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ихроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилинганда, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак.

Кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар ўз фикрларини билдирди.

Зафаржон ЖАЛОЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси:



— “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245³, 248-моддаларига маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишда тегишлилик ҳақида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларига тааллуқлиги белгиланмоқда. Бунда электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларининг аксарияти жойларда аҳоли томонидан содир этилиши инobatта олинган.

Мазкур масала қизгин муҳокама қилинган бўлибди. Жумладан, бу вазифанинг ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика (катта) инспекторларига тааллуқлиги белгиланмоқда. Бунда электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатларининг аксарияти жойларда аҳоли томонидан содир этилиши инobatта олинган.

Муҳокама қилинганда Ички ишлар вазирлиги бу буйича ўз эътирозларини билдиргани маълум қилинди.

Албатта, депутатлар томонидан кўтарилган саволлар ҳамда тақлифлар юзасидан тегишли мутахассис ва экспертларнинг жавоблари мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда инobatта олинди. Шу нуктага назардан, лойиҳа биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Дилшод ҲАМЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси:



— “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамада асосий эътибор унинг концептуал жиҳатларига қаратилди. Қайд этиш жоиз, лойиҳа мақсадимиз аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг қонуний асосларини таъминлаш, кучли зилзилаларга тайёргарлик кўриш, уларнинг оқибатларини бартараф этишнинг аниқ механизминини ишлаб чиқишга қаратилган. Унда, шунингдек, бу борада Ҳукуматнинг ҳамда масъул давлат органларининг бир қатор ваколатлари белгиланмоқда.

Хусусан, унга мувофиқ, Ҳукумат

томонидан ҳудудларда сейсмопротекция мониторинги ва сув омборларида доимий сейсмология ҳамда сейсмометрик қурувларни олиб бориш, фақуллода вазиятларда тезкор-қутқарув ишларини ташкиллаштириш, давлат тизими куч ва воситаларининг зилзилага шайлигини таъминлаш, зилзила хавфи ҳақида аҳоли ҳамда давлат органларини тезкор хабардор қилиш ишлари амалга оширилади.

Қурилиш жараёнида эса сейсмик хавфсизлик талабларининг бажарилиши юзасидан доимий назоратни олиб бориш, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги буйича текширувларни ташкиллаштириш кўзда тутилмоқда. Янги қурилиб, фойдаланишга топширилган бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш ҳамда шу асосда уларнинг сейсмик заифлиги буйича турларга ажратилиши ишларида қатнашиш, сейсмик хавфсизликни тегишли жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни доимий тақомиллаштириб бориш ишлари белгиланган.

Тўғри, лойиҳа устида кўп ишлаш керак бўлади. Бунинг учун, албатта, соҳа мутахассислари, кенг жамоатлик фикрлари ҳам инobatта олинади.

Хусусан, унга мувофиқ, Ҳукумат

томонидан ҳудудларда сейсмопротекция мониторинги ва сув омборларида доимий сейсмология ҳамда сейсмометрик қурувларни олиб бориш, фақуллода вазиятларда тезкор-қутқарув ишларини ташкиллаштириш, давлат тизими куч ва воситаларининг зилзилага шайлигини таъминлаш, зилзила хавфи ҳақида аҳоли ҳамда давлат органларини тезкор хабардор қилиш ишлари амалга оширилади.

Қурилиш жараёнида эса сейсмик хавфсизлик талабларининг бажарилиши юзасидан доимий назоратни олиб бориш, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги буйича текширувларни ташкиллаштириш кўзда тутилмоқда. Янги қурилиб, фойдаланишга топширилган бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш ҳамда шу асосда уларнинг сейсмик заифлиги буйича турларга ажратилиши ишларида қатнашиш, сейсмик хавфсизликни тегишли жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни доимий тақомиллаштириб бориш ишлари белгиланган.

Тўғри, лойиҳа устида кўп ишлаш керак бўлади. Бунинг учун, албатта, соҳа мутахассислари, кенг жамоатлик фикрлари ҳам инobatта олинади.

Хусусан, унга мувофиқ, Ҳукумат

томонидан ҳудудларда сейсмопротекция мониторинги ва сув омборларида доимий сейсмология ҳамда сейсмометрик қурувларни олиб бориш, фақуллода вазиятларда тезкор-қутқарув ишларини ташкиллаштириш, давлат тизими куч ва воситаларининг зилзилага шайлигини таъминлаш, зилзила хавфи ҳақида аҳоли ҳамда давлат органларини тезкор хабардор қилиш ишлари амалга оширилади.

Қурилиш жараёнида эса сейсмик хавфсизлик талабларининг бажарилиши юзасидан доимий назоратни олиб бориш, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги буйича текширувларни ташкиллаштириш кўзда тутилмоқда. Янги қурилиб, фойдаланишга топширилган бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш ҳамда шу асосда уларнинг сейсмик заифлиги буйича турларга ажратилиши ишларида қатнашиш, сейсмик хавфсизликни тегишли жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни доимий тақомиллаштириб бориш ишлари белгиланган.

Тўғри, лойиҳа устида кўп ишлаш керак бўлади. Бунинг учун, албатта, соҳа мутахассислари, кенг жамоатлик фикрлари ҳам инobatта олинади.

Хусусан, унга мувофиқ, Ҳукумат

томонидан ҳудудларда сейсмопротекция мониторинги ва сув омборларида доимий сейсмология ҳамда сейсмометрик қурувларни олиб бориш, фақуллода вазиятларда тезкор-қутқарув ишларини ташкиллаштириш, давлат тизими куч ва воситаларининг зилзилага шайлигини таъминлаш, зилзила хавфи ҳақида аҳоли ҳамда давлат органларини тезкор хабардор қилиш ишлари амалга оширилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Вебинар

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ОНАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари буйича комиссияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда “Меҳнат муносабатларида оналикни муҳофаза қилиш” мавзусида вебинар ўтказилди.

Унда Сенат ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари буйича комиссия аъзолари, Халқаро меҳнат ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, парламент юқори палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси М. Қодирхонова Ўзбекистонда меҳнат муносабатларида оналикни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни камситишнинг барча шаклига барҳам бериш, аёллар ҳуқуқлари ҳимояси буйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди. Шунингдек, 2021 йилги Давлат дастурига киритилган соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий химояга муҳтож аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Вебинарда халқаро меҳнат стандартлари қоидалари, иш билан таъминлаш ва меҳнатга ҳақ тўлашда гендер тенглик тамойилига асосланган масалалари, меҳнат қонунчилигида хотин-қизлар учун белгиланган кафолатлар, ХМТнинг “Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 103-сонли конвенциясида ақс этган қоидалар муҳокама қилинди. Халқаро меҳнат ташкилоти мутахассисларининг мазкур буйича тақдиротлари бўлиб ўтди.

Тадбир сўзида соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Саудия Арабистони:

АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Ислохотларнинг янги босқичида икки давлат ўртасидаги иқтисодий, маданий, парламентларо алоқалар янада ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони подшоҳи Салмон бин Абдулазиз тақлифига биноан 2017 йил 20-21 май кунлари Риёз шаҳрига ташриф буюриб, араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этгани икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Пандемия қийинчиликларига қарамай, 2020 йилда Ўзбекистон — Саудия Арабистони савдо айланмаси ҳажми 27,5 миллион долларга тенг бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон

ишбу мамлакат инвесторлари иштирокида 14 та корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Учрашувда Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси, Ўзбекистон — Саудия Арабистони дўстлик гуруҳи раҳбари Э. Зоҳидов палата фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Харакатлар стратегияси ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномаси асосида бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида батафсил сўзлади.

Шунингдек, Ўзбекистон парламентининг фаолияти, келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот бериб ўтилди.

Саудия Арабистони дўстлик гуруҳи раиси, генерал Али бин Муҳаммад Жъб Ал-Асири Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган кенг кўламли, изчил ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганини айтиб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш буйича тақлифлар берди.

Мулоқот чоғида томонлар парламентларо алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЯКУНИ МУҲОКАМАСИ

“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан “Сайловчилар билан учрашувлар якуни: энергетика соҳасидаги муаммолар ва истиқболдаги режалар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Сарҳисоб

Видеоконференция тарзида бўлиб ўтган ушбу тадбир шу йилнинг 25 — 31 март кунлари депутатларнинг ўз сайлов округларида ўтказган учрашувлари сарҳисобига бағишланди.

Қайд этилганидек, мулоқотларда депутатлар сайлов округи ҳудудида жойлашган маҳалла, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ҳамда идораларда бўлиб, аввалдан ишлаб чиқилган “йўл хариталари”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ҳамда хавфсизликни таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳалқ билан мулоқот қилиш, қўриқилган масалаларни ҳал этишнинг янги ва замонавий амалиёти йўлга қўйилди. Шу маънода, учрашувларда депутатлар халқ билан самимий мулоқотлар қилиб, уларни қизиқтирган

масалалар буйича батафсил маълумот берди. Кўйи палатада кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари тўғрисида, қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти, депутатларнинг келгусидаги режалари ҳақида сайловчиларга кенг ахборот тақдим этилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан сайловчилар билан ҳамми 444 та учрашув ўтказилди, уларда 9 минг 100 га яқин сайловчилар қатнашган. Уларнинг 827 нафарини тадбиркорлар ташкил этди. Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан уй-жой, коммунал, таълим, тиббиёт, хизмат кўрсатиш, экология, суд-ҳуқуқ соҳалари, бандлик, банк-кредит, транспорт ва йўл қурилиши масалаларига оид 616 та мурожаат кўтариб чиқилди. Масалаларнинг 45,2 фоизи жойида ҳал этилиб, қолганлари назоратга олинган.

Тадбирда ҳудудларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмушини яхшилаш, айниқса, чекка-чекка қишлоқларда табиғий газ, электр энергияси таъминотидаги зулмиларни бартараф этиш буйича ўз ечимини кутаётган

масалалар ҳам мавжудлиги фракция аъзоларининг диққат марказида бўлди. Хусусан, аҳоли мурожаатлари асосида электр энергияси, табиғий газ таъминоти тизимида олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Фракция аъзолари энергия манбаларини реконструкция ва модернизация қилиш эҳтиёжи мавжуд бўлган ҳудудларни аниқ белгилаб олиш, ижтимоий соҳа объектиларини энергия таъминотини яхшилаш буйича асосли тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга келишиб олди. Мавжуд муаммоларни умумлаштирган ҳолда тегишли вазирлик ва идораларга уларнинг ечимига оид сўровларни юбориш алоҳида вазифа сифатида белгиланди.

Шунингдек, фракция аъзолари учрашувлар давомида жойларда кўтарилган масалаларни масъул ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда жойида ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш буйича режа ҳам ишлаб чиқди.

Давра суҳбатида аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, ҳудудлардаги инфратузилмаларни ривожлантиришга хизмат қилаётган давлат дастурлари ижросини назорат қилишда сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Р. ОТАМУРОВОВ.

ҲУЖЖАТ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА

ҲАР БИРИМИЗНИНГ ИШТИРОКИМИЗ МУҲИМ

Шу йилнинг 23 — 27 март кунлари Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижросини мутасадди вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи билан биргаликда ўрганди. Унинг натижалари Сенат кўмитаси ва халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши кўшма мажлисида муҳокама этилди.

Таҳлил

Таъкидланганидек, Қонунда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ҳаёти ҳамда соғлиқни сақлаш, маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан қамол топишига йўл қўйиш, ишга жойлаштириш ҳамда уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш масаласида ҳукуматнинг ва бошқа ижрочиларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилган.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини нақвирон авлод, яъни 30 ёшга бўлган фуқаролар ташкил этмоқда. Уларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида бугунга қадар юртимизда 50 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилиб, у вазирликка тенглаштирилди.

Ҳудудда 18 — 30 ёшли фуқаролар томонидан 2020 йилда 1 213 та маммурий ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, 2021 йилда мазкур кўрсаткич ортиб бораётгани ачинарлидир. Утган йилларда ёшлар томонидан деярли жиноят содир этилган. Утган йилларда 121 та, Бахмал туманида 287 та, Зарбдор туманида 121 та ҳуқуқбузарлик рўй берган. Бу эса жойларда профилактика ишлари талаб даражасида эмаслигини билдирди.

2021 йилда ёшларни тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш ва уларга кредит ажратиш ишлари айрим туманларда қанчалик қилинган. Шунингдек, 865 нафар ёш киши касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш кўзда тутилган бўлса-да, амалда 678 нафар ўғил-қиз ўқитилган. “1+1” дастури доирасида тадбиркор ва унвандиларга ёшларни бириктириш буйича вақифалар вилоятда 2021 йилнинг биринчи чоғида 78 фоизга бажарилган, ҳолос.

Вилоятда жорий йил давомида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш мақсадида маҳаллабай ўрганишлар орқали 512 банддан иборат вилоят, туман

(шаҳар) “Ёшлар дастурлари” ишлаб чиқилган бўлиб, биринчи чорак давомида белгиланган вазифаларнинг 73,4 фоизини ижро қилинган.

Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус буйича ишлар вилоятдаги маҳаллаларда тизимли ташкил этилган. Кўпгина маҳалла раислари ушбу ташаббуслар мазмун-моҳияти ҳақида таъсирчан алоқа қилишган.

Вилоятдаги 160 та умумий ўрта таълим мактабида спорт зали йўқ, таълим муассасаларининг спорт жиҳозлари билан таъминланганлик даражаси 50 фоизни ташкил этади. 15 та болалар музика ва санъат мактабида белгиланган йўналишлар буйича қўшимча 75 та синф очиб орқали 650 нафар уюшмаган ёш киши қамраб олиш вазифаси бажарилган.

Жиззах шаҳар маданият бўлими томонидан беш муҳим ташаббусни амалга ошириш буйича тегишли ташкилотлар билан қўшма қарор ёки чора-тадбирлар дастурлари имзоланган. “Ёшлар клуби” фаолияти йўлга қўйилган.

Галлаорол, Дўстлик, Шароф Рашидов, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Форш, Янгиобод туманларидаги ахборот-қутубхона марказлари мослашган биналарга жойлаштирилган, китоб фондларининг 80 фоизи мазмунан ва жисмонан эскирган. Кутубхоналар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, компьютер техникалари билан таъминлаш талаб даражасида эмас.

Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгаши сессияларида беш муҳим ташаббус доирасида бажарилган ишлар юзасидан ҳудудлардаги секторлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш йўлга қўйилган.


Биз, Олий Мажлис Сенати аъзолари маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда бу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришимиз. Зеро, эртанги кунимиз бугунги ёшларга боғлиқ экан, уларни ҳар жиҳатдан етук инсонлар сифатида қамолга етказиш чораларини кўришга масъулмиз.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси.

Акс садо

ПАРЛАМЕНТЛАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси аъзоси:



Ҳўжалиги, экология, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, маданият, спорт ва туризм каби устувор йўналишлар бўйича кўмиталарига аъзо депутатларнинг ташрифи ва ўзаро фикр алмашинуви, ўз навбатида, биз учун ҳам халқаро микёсдаги тажрибаимиз бойишида муҳим роль ўйнайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ва Миллий Ассамблея Спикери Пак Бён Со бошчилигидаги парламент делегацияси ўртасида учрашув ана шундай ҳамкорликнинг амалий йодосиди бўлди.

Музокара қилинганда томонлар парламентларо мулоқотни янада тараққий эттиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди. Жумладан, икки томонларо ҳамкорликни ратификация қилишни жадаллаштириш буйича мулоқот олиб бориш, парламент фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, Миллий Ассамблея илмий-тадқиқот маркази билан Олий Мажлис хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш, қўлаверса, парламентларо қўбўхоналари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш буйича ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги тақлифларни қораллик ҳамкасблар тўқилулаб-қувватлади.

Энг муҳими, бу ҳамкорлик давлатларо, парламентларо муносабатлардан ташқари халқларининг ўртасидаги ўзаро дўстлик ва самимий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, Янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг халқаро муносабатлардаги муваффақиятларининг билан ҳам ҳамбаркасб бўлишимиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, Корея Республикаси парламентининг давлат башқаруви, молиявий сиёсат, саноат, соҳа, энергетика, транспорт, қишлоқ

Дилором ИМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ҳамда алоҳида стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда парламентларо алоқаларнинг ўрни муҳим.

Шу ҳафта бошида икки мамлакат парламентлари раҳбарларининг музокара олиб борагани парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, десак, асло янглишмаймиз.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз халқларини асрлар давомида қарор топган қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Хозирги вақтда ҳар икки давлат раҳбарларининг доимийлик касб этган мулоқотлари, учрашувлари чоғида эришилган келишувлар барча соҳадаги муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Хусусан, парламентларо алоқалар ҳам самарали бўлмоқда. Чунки, 2017 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган бўлса, кейинги йил Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлигидаги делегация Суэга борди. Бўлиб ўтган музокара рақунлари буйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга асос бўлувчи Меморандум имзоланди.

Қонунчилик палатасидаги музока-

рлар чоғида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида иқтисодий, қонун устуворлиги, парламент роқини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва бошқа ҳаётда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни алоҳида эътироф этди. Корея Республикаси Миллий Ассамблеясидаги парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, десак, асло янглишмаймиз.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз халқларини асрлар давомида қарор топган қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Хозирги вақтда ҳар ик

КИНО САНЪАТИ ВА САНОАТИ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
«Ўзбекино» Миллий агентлиги Бош директори:



— Ўзбек кинематография дунёси учун тарихий воқеалик бўлди, десам, муволаф эмас. Негаки, соҳанинг жуда кўп муаммоларини бартараф этишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган даврда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар дунё юзига кўрд. Уларнинг ижроси туфайли тараққиётдан анча орта қолган миллий кино санъатимиз жонланди. Биргина киномаҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар бир неча баробар ошди. Хусусан, 2017 йилда ушбу мақсадлар учун 12 миллиард сўм ажратилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 84 миллиард сўмга етди. Шунга мос равишда давлат буюртмаси асосида фильмлар яратиш миқдори ҳам 30 тадан 74 га ошди.

Аммо бугунги шиддатли замон соҳага янги-янги ёндашувлар ва технологияларни қўллашни талаб этиши тайин. Очига, яқин-яқингача кинематография соҳасида чуқур илдиш отган масалалар сақланиб қолган, соҳа бошқаруви, киноижодкорларга ҳақ тўлаш тартиби мутлақо эскирганди. Хусусий сектор ривожланмаган, киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш тизими йўқ эди. Кинокомпанияларнинг моддий-техника базасини-ку, гапирмасам ҳам бўлади. Миллий фильмлар ва мамлакат хроникаси яратилмагани, халқаро тажриба асосида таълим бериш тизими йўлга қўйилмагани, кинотеатрлар тармоғи ривожланмай қолгани киноижодкорларни қийнаб келаятганлиги аниқ сезилган.

Президентимизнинг Фармон ва қарори эса шу ва бошқа муаммолар ечимини белгилаб берган тарихий ҳужжат бўлди. Уларда киноижодкорларни қийнаб келаятган узок йиллик масалаларни бартараф қилиш бўйича аниқ механизм акс этган.

Фармон билан шу кунгача эътирозларга сабаб бўлаётган эски тартиб беқор

бўлиб, янги ва замонавий тизим жорий этиляпти. Умуман, кино санъати жамиятнинг маънавий-маърифий, маданий ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларида стратегик манба сифатида гоятда аҳамиятлидир.

Шунингдек, кино санъати ва киноижодкорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, кинотеатрлар моддий-техника базасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ҳамда рағбатлантиришнинг бутунлай янги тизими татбиқ этилади. Мисол учун, эндиликда фильм ижодкорлари ва техник ходимлар гонорари фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида эркин белгиланади, ижодкорларни сифатли кино олишга ундаш мақсадида бир йил давомида фильм фойдасининг 25 фоизи уларни рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Илгари қандай эди? Ижодкорлар фильмни суратга оларди ва шу билан бўлди: унинг прокати билан ҳеч ким қизиқмасди ва бунга иштиёқ ҳам бўлмаган. Энди шу йўл билан ижодкорларга мотивация берилади. Кинопрокат жонланса, одамлар кинога кўпроқ туша бошласа, кино санъати ҳам, кино санъати ҳам жонланади.

Баъзида қандай киносуратга олиш даврида кўзда тутилмаган тезкор харажатлар қилишга тўғри келади. Буни биз тушунамиз, аммо бюрократия тушунмасди. Энди ижодкорлар ортқича бюрократиядан халос бўлиб, жараён чўзилиб кетмаслиги учун нақд пулдан фойдалана олади. Яъни ҳужжатда кинокомпанияларга фильмни ишлаб чиқариш жараёнида фильм бюджетининг 10 фоизига чикдорда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга руҳсат этилди.

Қолаверса, киноижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган Ўзбекистон кино санъати вакиллари уюшмаси, Миллий кинематография ривожлантириш маркази ташкил этилиши, шунингдек, Тошкент халқаро кинофестивалини «Ипак йўли дурдонаси» номи остида таъсис этиш ва келгуси йилдан мунтазам ўтказиб борилиши диққатга сазовор. Шу билан бирга, кинотеатрлар тармоғини ривожлантириш ҳамда аудиовизуал асарлар яратишда республика ҳудудида амалга оширилган харажатларнинг бир қисмини Давлат бюджетидан қоплаб бериш («rebate») бўйича татбиқ этилаётган янги тартиб-таомиллар кино соҳаси ва санъати тараққиётида янги уфқларни очини, шубҳасиз.



Ғуб АҲМЕДОВ,
«Ўзбекино» халқ артисти:

— Ўзбек кино санъати халқ олдидаги, томошабинлар олдидаги, раҳбарият олдидаги ўз бурчини адо этиятими, деган савол туғилади. Жавоб шуки, адо этипти, яъни тўлиқ бўлмасам-да, лекин бажаряпти.

Хўш, нега тўлиқ эмас? Мен томошабинлар, ҳамкасбларим билан кўп суҳбатда бўламан. Битта маса-

лани, яъни маблағ масаласини айташди.

Президентимиз имзолаган ҳужжатлар нафақат маблағ масаласига, балки жуда кўплаб муаммоларга ечим бўлади. Ижодкорлар билан учрашувда давлатимиз раҳбари бизга ушбу соҳа ривожини учун маблағ топиб беришини, лекин биздан халқни, ёшларни тарбиялайдиган киномаҳсулотлар тайёрлашимиз кераклигини таъкидлаган эди.

Бу кино соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан далолат. Ишончли эса оқлашимиз керак, айниқса, ёшлар. Ўзбек кино санъатида иқтидорли ёшлар бир оз кайиб қолгандай назаримда. Кўп айтаман, ёшларни тарбиялайлик, ахир келажгимиз улар қўлида, деб. Энди бу масала ҳам ҳал бўлади. Демак, зиммамиздаги асосий вазифа — пишиқпхта, мукамал фильмлар, спектакллар яратиш, томошабинларнинг кўнглига киришидир.

Шухрат РИЗАЕВ,
«Ўзбекино» Миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари:



— Одатда катта-катта ҳодисаларнинг моҳиятини, аҳамиятини, қўламини бирдангина ҳис қилиб, уни идрок этиш осон кечмайди. Кунга кеч давлатимиз раҳбари имзолаган — истиқболдаги эзгу мақсадларни белгилаб берган ҳужжатлар ана шундай жиддий бир ҳодиса сифатида ҳаммамизнинг ниҳоятда мамнун қилди. Чунки Фармон ва қарор билан жуда катта вазифалар қўйилляпти, улкан марралар ва мақсадлар белгиланяпти.

Бугун биз хоҳлаймизми-йўқми

жаҳон тараққиётининг «ғилдираги» ниҳоятда шибобаниб кетяпти. Мана шу жараёнда бизнинг тараққиётимизга тўсиқ бўладиган муаммолардан халос бўлиб, янги замон талаби асосидаги ислохотларни амалга оширишимиз керак эди. Президентимизнинг соҳага оид қабул қилинган ҳужжатлари мана шу йўлда бизга муҳим дастуриламал бўлади.

Кинематография соҳасини ривожлантиришда биз учун энг муҳим омиллардан бўлган кинотеатрлар тизими мутлақо издан чиқи кетганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бугун ўша тизим ишлармас экан, кино соҳасини ривожлантириш бўйича давлат томонидан берилмаган ёрдам ва бошқалар айнан кинони ривожлантиришга хизмат қилмайдиган, деган масала қўйилляпти. Шундан келиб чиқиб, кинотеатрлар тармоғига алоҳида аҳамият қаратилляпти. Давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қароридан кейин ки-

Баҳодир ОДИЛОВ,
«Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» ДУК директори, кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Биз, киноижодкорлар учун ҳаяжонли кун — ҳақиқатан ҳам тарихий воқеалик бўлди. Ўтган ўттиз йил давомида кино санъати тараққиётига оид бундай муҳим ҳужжат қабул қилинмаган эди. Ҳужжатлар билан танишиб чиқдим, илк таассурот шуки, бу имкониятлар бизга катта масъулият ҳам юклайди, албатта.

Фармон ва қарор билан соҳадаги мавжуд муаммолар бартараф этилмоқда. Энди биз, киноижодкорларга фақат ғайрат-шиқоат, ватанпарварлик керак. Тўғри тушунинг, бу, шунчаки баланд-парвоз сўз эмас, чин кўнгилдан айтилаётган изҳордир.

Тан олиш керак, охириги пайтларда «огир карвон» бўлиб қолган эдик. Давлатимиз раҳбари ҳужжатларда белгиланган имконият ва имтиёزلарга жа-



вобан, биздан ўзгача шиддат ҳамда ҳаракатни, соҳада ўзгариш қилишимизни кутади. Ишончим комилки, шу соҳа тараққиётига бел боғлаган барча ижодкорлар бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, кино санъати ва санъатини янги поғонага олиб чиқа оламиз.

Нигора КАРИМОВА,
киношунос, санъатшунослик фанлари доктори:



— Санъат-шуносликда «кучли томонини ишлатиш керак», деган тамойил бор. Яъни айтиш мумкинки, кино санъати халқимизнинг, умуман, мамлакатимизнинг кучли томони. Бу бутун тарихимиз давомида ҳам исботини топган. Шундай экан, бу биз учун нафақат фахр-ифтихор туйғусини, балки катта масъулият ҳам юклайди.

Ҳужжатлар билан кино соҳаси ривожини учун жуда кўп имкониятлар бериляпти. Ўз навбатида, бу Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон нафақат кинонинг Ватани эканини, балки ушбу соҳада етакчи бўлишимизни ҳам таъминлаб беради, деб ишонаман.

Айни чоғда ушбу Фармон ва қарор кинематографиянинг бугунги ҳолатига катта туртки, рағбат бериш билан биргаликда, унинг стратегик истиқболини ҳам белгилаб қарайди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

СИМУЛЯЦИОН МАРКАЗ

Унинг афзаллиги нимада?

Мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ҳамда технологияларини жорий этиш борасида кенг камровли ишлар амалга ошириляпти. Бу ислохотлардан тиббиёт йўналишидаги таълим муассасалари ҳам четда эмас.

Тошкент давлат стоматология институтининг замонавий симуляцион марказ фаолияти йўлга қўйилди. Марказ Франциядан келтирилган энг сўнгги русумдаги илгор жиҳозлар билан таъминланди.

Тиббиёт

Хусусан, 3D симуляторлари, «Пирогов» анатомик интерфаол столи, талабалар учун замонавий стоматология фантомлар, ахборот-ресурс марказининг виртуал кутубхонаси, минглаб адабиётларга эга ўқув зали ана шулар сирасидан.

— Дунё таърибасидан маълумки, ривожланган давлатлар, аввало, тиббиёт ва таълимга эътибор қаратиш орқали муваффақиятга эришган, — дейди Тошкент давлат стоматология институтининг халқаро таълим факультети декани Саидмуродхон Муртазоев. — Кейинги йилларда юртимизда ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу соҳаларда тиб ис-



лохотлар амалга ошириляпти. Талабалар ихтиёрига топширилган симуляцион марказ ҳам шу ислохотлар меваси. Уни ташкил этишда Россия, АКШ, Жанубий Корея каби давлатлар таърибаси инобатга олинди. Яратилган шарт-

шароитлар стоматология йўналишидаги ўқув-машгулотларни замон талаблари асосида олиб бориш, талаба-ёшларга янги ёндашувлар негизда билим беришга хизмат қилади.

Тошкент давлат стоматология институтининг доценти Фарҳод Усмоновнинг таъкидлашича, 3D симуляторларнинг қўлайликлари кўп. Жумладан, унда стоматологиянинг терапия, тиш қўйиш, имитация, жарроҳлик ва бошқа йўналишларга оид амалиётлар электрон тарзда компьютер томонидан виртуал бажарилади. Талабалар билими виртуал баҳоланади, яъни компьютер талабага

вазифа қўяди ва уни бажариш чоғи қандайдир хатога йўл қўйса дарҳол ўша камчилигини кўрсатади. Бу эса назария ва амалиёт уйғунлигига йўл очиб, пировардида малакали стоматологларни тайёрлашда қўл келади.

Янги марказда республика тиббий олий ўқув юртлари стоматология таълим йўналиши талабалари ўртасида инновацион технологиялар асосида даволаш услубларини такомиллаштириш мақсадида «Megamaster» танлови ҳам ўтказилди. Бу талабалар билимини синондан ўтказиш ва ўзаро таъриба алмашиш имконини бериши билан эътиборга молик.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ
олган суратлар.

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси билан 2019 йил 21 октябрда тузилган 246/2019-12-сонли шартномага асосан <https://www.e-aukcion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида 2021 йил 16, 19, 20 апрель кунлари ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент шаҳар бошқармасининг қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«Chevrolet Captiva-BSC»	2007	01 101 QDA	0507087
2.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 106 QDA	0521164
3.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 107 QDA	0521165
4.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 110 QDA	0507086
5.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 112 QDA	0507085
6.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 118 QDA	0507146
7.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 126 QDA	0507148
8.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 127 QDA	0521166
9.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 128 QDA	0521181
10.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 132 QDA	0521193
11.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 149 QDA	0521209
12.	«Captiva-2 (3.0) LTZ A/T»	2015	01 159 QDA	0526943
13.	«Orlando LS»	2015	01 168 QDA	0521223
14.	«Orlando LS»	2015	01 169 QDA	0521243
15.	«Orlando LS»	2015	01 171 QDA	0527107
16.	«Orlando LS»	2015	01 173 QDA	0521281
17.	«Orlando LS»	2015	01 174 QDA	0521310
18.	«Orlando LS»	2015	01 175 QDA	0521344
19.	«Orlando LS»	2015	01 176 QDA	0521390
20.	«Orlando LS»	2015	01 182 QDA	0521414
21.	«Orlando LS»	2015	01 184 QDA	0521428
22.	«Orlando LS»	2015	01 193 QDA	0521442
23.	«Orlando LS»	2015	01 194 QDA	0521460
24.	«Orlando LS»	2015	01 198 QDA	0521462
25.	«Orlando LS»	2015	01 201 QDA	0521474
26.	«Orlando LS»	2015	01 203 QDA	0521475
27.	«Orlando LT»	2015	01 204 QDA	0521476
28.	«Orlando LT»	2015	01 205 QDA	0507155
29.	«Orlando LT»	2015	01 207 QDA	0507156
30.	«Orlando LT»	2015	01 209 QDA	0507157
31.	«Orlando LT»	2015	01 211 QDA	0521477
32.	«Orlando LT»	2015	01 212 QDA	0521478
33.	«Orlando LT»	2015	01 214 QDA	0521479
34.	«Orlando LT»	2015	01 217 QDA	0521480
35.	«Orlando LT»	2015	01 218 QDA	0521481
36.	«Chevrolet Epica»	2010	01 542 FFA	0521485
37.	«Lacetti»	2010	01 197 YGA	0507083
38.	«Lacetti»	2010	01 730 JBA	0521483
39.	«Lacetti»	2010	01 797 DBA	0521484
40.	«Uzotoyol M23.9»	2000	01 953 QAA	0521482

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш «E — IJRO AUCTION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Автотранспортлар сақланаётган манзил:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси,
Тикланиш 19-«А» уйда жойлашган автохўжалик ҳудуди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва клиникаси жамоаси Тери таносил, болалар тери таносил касалликлари ва ОИТС кафедраси доценти, клиниканинг болалар дерматологияси бўлими мудири
Абдумухтор МУКАРРАМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

СОҲИБҚИРОННИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Нафақат ўз халқини, балки забт этилган ўлкаларнинг элларини ҳам имкон даражасида қонун ҳимоясига олган. Қонун, тартиб-қоидаларнинг устуворлиги кўп қўлдан улуснинг уни тушунишига, риоя қилишига боғлиқ. Шу боис Соҳибқирон халқ орасида илму зиё тарқатиш, шариат ақидалари ва ислом динининг асосларини ўргатишга ҳам аҳамият берган.

Амир Темури ўзини дипломат сифатида ҳам намойиш қила олган. У Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция каби давлатлар билан муносабатларни ўрнатдиш, мустақамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги ишларни ҳам авж олдириди. Тил, дин ҳамда миллатларнинг ҳар хиллиги улғу аждодимизнинг Европа мамлакатлари билан дипломатик, савдо-сотик муносабатларини ўрнатишга ҳалқат бермади.

Соҳибқирон нафақат буюк саркарда ва давлат арбоби, балки юксак инсоний фазилатларни ўзида муҷассам этган, маънавий олами кенг шахс сифатида ҳам тарих зарварларидан муқим жой олган.

Амир Темури маънавий камолотига ёшлик ва ўсмирлик йилларидаёқ асос қўйилган эди. Нуфузли ҳамда ўқимли хондонда воғая этган Темури нақби ўз ўлининг тарбиясига катта эътибор билан қаради. Отаси Мухаммад Тарағай ҳам фарзандининг келажакни ўйлаб, унинг ҳаёт мактаби сабоқларини муқаммал эгаллаши учун ҳаракат қилади. Аллоҳ инъом этган ақл-заковат, истеъдод, қобилият, куч-қувват каби сифатларнинг ўлида борлигини кўрган Мухаммад Тарағай уни янада саводли, билимдон, ўқимли

қилиб тарбиялашга интилади. Шу боис Темури катта иқтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келади. Ундаги маънавий қамолат мардликда, Ватанга бўлган садоқатда ҳам намойиш бўлади.

Шу тариха мадраса таълимини олган Темури катта иқтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келади. Ундаги маънавий қамолат мардликда, Ватанга бўлган садоқатда ҳам намойиш бўлади.

Соҳибқирон Ватан озодлиги, мустақиллигига эришиш учун оғир ва мураккаб йўлни таллади. Бу йўлда у бир қанча ҳарбий ҳамда сиёсий вазиятларга дуч келди, изтироблар чеқди, бироқ чекинмади. Бунда унинг донолиги, тафаккури кенглиги, кучли иродаси, эътиқоди, билимдонлиги ёрдам берди.

Амир Темурига подшолик мерос бўлиб қолмаган, уни буюк саркарда зукколиги, ақлу салоҳияти, доно мушоҳадаси ва олган ибратли тарбиясига таяниб эгаллади.

Соҳибқирон маънавиятининг тинчлиги, софлиги унинг ниҳоятда камтар, камсуҳан, ҳазилкаш ҳамда кеҳиримлигида, ўта илтифотлигида, ҳар хил тоифадаги одамларга ҳурмат билдиришга, адолат ва ҳақиқатга таянганлигида ҳам кўринади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, собиқ иттифоқ даврида маънавий ҳаётдаги таназул боис миллий қадриятларимиз ҳам сохталаштирилди. Жум-



ладан, Туркистон халқларининг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган Амир Темурига фаолиятига, шахсига ҳурматсизлик қилинди. Бу нарса адабиётда ҳам ўз аксини топди. Фарбий Европа адабиётида ўнлаб асарларга ижобий қаҳрамон бўлган Амир Темури ўз юртида салбий сиймо сифатида гавдалантирилди.

Истиқлол шарофати туйғулган Амир Темури сиймосига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Шоир ва ёзувчилар Амир Темурига ҳаётда темурийлар даври мавзуси бўйича янги асарларни яратишга киришди. Шу изланишларнинг натижаси ўларок, Бўрибой Аҳмедовнинг "Амир Темури" романи, шоир Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" шеърӣ драмаси, ёзувчи Одил Ёқубовнинг "Фотиҳи музаффар ёҳуд бир париваш асирӣ" драмаси ҳамда башка қатор асарлар пайдо бўлди. Уларда Соҳибқирон шахси, ҳаёти ва фаолияти ҳолис бадиий талқин этилган. Гарчи Бўрибой Аҳмедовнинг асари тарихий ҳақиқатни бадиий ифодада баён этувчи соломна бўлса-да, Амир Темури сиймосидаги жаҳонгирлик, адолатпарварлик ва

бунёдкорлик каби жиҳатларни ҳам ўзида акс эттирган. Асарда Амир Темури мулоҳазакор, эҳтиёткор, ишонч кўзини билалдиган, жасур ҳамда тadbиркор инсон сифатида тасвирланган.

Шоир Абдулла Ориповнинг драматик эса улғу аждодимизнинг инсоний фазилатлари янада очиб берилган. Амир Темури сиймосини яратар экан, муаллиф, асосан, Соҳибқироннинг ўй-орзуларига, фикр-кеҳинмаларига, ҳис-туйғуларига алоҳида эътибор берди. Шоир талқинида Амир Темури ҳам оддий одам, у ҳам инсон фарзанди. Асарда Соҳибқироннинг доимо ибратли ота бўлишга интилиши, оқил ва доно подшоҳ бўлиб раиятни бошқариши яққол тасвирланади. Амир Темурининг қаҳри қаттиқ, лекин меҳри ҳам беқийс. У ўз фарзандларига бағрикенг ота, набираларига эса гамхўр ва меҳрибон устоз.

Соҳибқироннинг ҳарбий таълим соҳасидаги маҳорати ҳам эътироф этилган. Бу ҳақда махсус асарлар ҳам ёзилган. Ҳарбий юришлари натижасида Амир Темури буюк салтанатни, тенги йўқ қудратли империяни барпо этди. Улкан зафарларга ҳарбий таълимини

Китоб жавонингизга «Сукут садоси»

Китобга беҳиз "Сукут садоси" деб ном берилмаган. Шу икки сўзда шоир Икром Отамуроднинг ички олами, табиати муҷассам. Бу сукутни ҳис қилмоқ, тинглаш, англаш — руҳнинг катта эҳтиёжи.



Бу сукут ўша ҳадис оламнинг, бепеён қангул диёрнинг рамзидир. Унга етишмоқ йўлида биз учун қалб таржимон ва шу қалбгина бизга борлигини намойиш этаётган соҳир кўнгул учун тилмоқ бўла олади, ҳолос. Бу сукут моҳиятида интилиш ва кутиш, парвоз ва мунаввар манзил, гул ва ифोर ораси, нур зарралари моҳиятидаги муқаддас ёруғлик бор. У ҳаминча ойдинликка, му-

наввар руҳ дунёсига, поклик оламига ёғду бераётган улғу мусаффоликка, иймон зилолига интилади.

2021 йилда "Adabiyot" нашриёти томонидан "Адиб ва жамият" туркумида чоп қилинган таниқли шоир Икром Отамуроднинг "Сукут садоси" китоби сизда ёрқин таассурот қолдиради, деган умиддамыз.

«Шабнам соясида»

Ушбу асарда тақдирнинг бутун зарбаларини ҳукмини сабр-тоқат, шукроналик билан қабул қилиб яшаган она ва қиз ҳаёти мисолида бутун бир мураккаб давр, зиддиятли характерлар, инсонларнинг шафқатсиз томошатаблиги ёритиб берилди.



Ялтироқ ҳою ҳаваслар ичида инсонийликнинг қандай йўқолиб кетиши ва унинг меҳр-муҳаббат туйғулари қайтадан барпо бўлиши ҳақидаги ҳақиқат воқеалар ривожига англашилади боради. Бахтли ва бахтсиз дамларда ҳам ўзликини сақлаб қолиш қанчалар муҳим экани ҳақидаги бу роман ўқувчиларда чуқур

чуқур эгаллаган, ҳар томонлама чиниққан, мунтазам тартиб билан жанга кирувчи, интизоми мустаҳкам бўлган армияси туйғулари эришди. Соҳибқироннинг ҳарбий соҳада олиб борган ишларидан ибрат олсак арзийди.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, буюк саркарда ўз ўли Шохруҳ Мирзони, сулоки набиралари Мухаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улғубек Мирзони бевосита Бибиҳоним тарбиясига топширган эди. Бибиҳоним инсонпарвар, Ватанни севувчи, доно ва оқила аёл эди. У айниқса, илм-маърифатга, таълим ҳамда тарбияга эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомилик қиларди. "Соҳибқирон" шеърӣ драмасида ушбу аёл образи мавжуд бўлиб, Амир Темурининг унга бўлган меҳри кўйдагича таърифланади:

Азим Самарқандини салтанатида Хукмфармо бўлиб туриб. Юмушлар талай, Қуриш, боғи роғлар, бола-чақалар... Шаҳзодалар, набиралар барча-барчаси Улайишидир, Улайишда меҳрингиз билан...

Кўринадик, Амир Темури барча оталар сингари фарзандларининг таълим олишига, уларнинг илмли, маърифатли бўлишига эътибор қаратса, Бибиҳоним меҳрибон она бўлиб уларнинг тарбияси билан шуғулланар экан. Асардаги ушбу ҳолатлар тарихий шахслар бўлиши Амир Темури ва Бибиҳонимнинг табиатидаги инсоний фазилатларини очиб беришга хизмат қилган.

Юқоридagi фикрларимиздан ҳулоса чиқарсак, Амир Темури нафақат энгилмас саркарда, балки юксак маънавий фазилатларни ўзида муҷассам этган инсон бўлганлиги аёнлашади. Шундай экан, Амир Темури шахси, ҳаёти ва фаолиятини муқаммал ўрганиш қайси замон ҳамда маконда бўлишидан қатъи назар, ниҳоятда аҳамиятлидир.

Дурдона РАСУЛМУҲАМЕДОВА, Тошкент давлат юридик университети доценти.

Таълим

ХАЛҚАРО ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКА МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Давлатимиз раҳбари ўтган йил март ойида Хоразмга ташрифи чоғида Шовот туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати негизида Ал-Хоразмий номидаги халқаро физика ва математика мактабини ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.



Уша йилнинг 19 мартида Вазири Маҷмаасининг бу борада тегишли қарори қабул қилинди. Унда мактабни замонавий таълим даргоҳига айлантириш, унда таҳсил оладиган ўқувчиларни мустақил фикрли, ташаббускор, креатив ва халқаро майдонда ўзини дадил намойиш эта оладиган илмли ёшлар сифатида тарбиялаш мақсади қўйилди.

Халқаро мактаб-интернатнинг очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда меҳнат фахрийлари, устоз-мураббийлар, ушбу мактабнинг собиқ битирувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Хоразм вилояти ҳокими Ф. Эрманов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш. Шерматов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. Давлатов янги илм маскани очилиши билан барчани самимий мурабабод этди.

Майдони 32 минг квадрат метр бўлган замонавий кампусдан 7 та блокдан иборат иншоотлар, хусусан, ўқув биноси, маъмурият, ошхона, меҳмонхона, спорт заллари ҳамда дам олиш масканлари қўйилган. Ўқув даргоҳига кираверишда буюк мутафаккир, алгоритм асосчиси Ал-Хоразмийнинг музассам ҳайкали қад ростлади.

Янги муассасада давлат таълим стандартлари асосида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, чет тилларни чуқур ўқитиш таъминланади. Бунинг учун мактабга маҳаллий ва хориқлик юқори малакали ўқитувчилар жалб қилинади.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»)

ЯНГИ КЎПРИК МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

Андижон шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудидаги "Марказий деҳқон бозори" ёнидаги кўчалар вилоятдаги энг тирбанд манзиллардан бўлиб, бу ерда пидедалар ҳаракати учун шароит йўқ ҳисоби эди.

Қулайлик

Муаммонинг ижобий ечимини таъминлаш учун бозорни "Регистон" майдони билан боғлаб турувчи Мустақиллик кўчасида кўприк қарно этилди. — Бу ерда кечаю кундуз транспорт баъноси тинмайди, — дейди меҳнат фахрийси Олияхон Турсунова. — Тирбандлик шу қадар эдики, ҳаракат хавфсизлиги қондаларига риоя қилишга ҳам имкон қолмаганди. Тўғриси айтсам, пидедалар ўтиш йўлакчаси қаерда эканлигини ҳам унутиб қўйганман. Боиси, йўлнинг у четидан бу четига қаерда имкон бўлса ўша ердан ўтишга қўйиканми. Бу ҳайдовчи учун ҳам, йўловчи учун ҳам хавфли эди, албатта. Кўприк қурилга, барча муаммо ортада қолди.

"Андижон кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонаси томонидан бунёд этилган кўприкнинг умум-



ий узунлиги 48, баландлиги 5,7, кенглиги 3 метр иборат. Бундай кўприк вилоят марказининг "Янги бозор" деҳқон бозори ҳудудида ҳам қурилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»)

ФИДОЙИ ВА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Президентимизнинг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан урчуравида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Шу ўринда ёшлар билан ишлашда дунё тажрибасига эътибор қаратсак, соҳадаги ютуқларимиз ҳам, ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалар мавжудлиги ҳам ойдинлашди. Масалан, аҳолисизнинг деярли 25 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этувчи Сингапурда йигит-қизлар масалалари билан шуғулланувчи алоҳида давлат ташкилоти мавжуд эмас, ушбу долзарб юмуш билан, асосан, жамоат ташкилотлари банд.

Шунингдек, Сингапурда Маданият вазирилик ҳузурида Ёшлар билан ишлаш бўйича миллий кенгаш ҳамда инновация ва таълимни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган Ёшлар миллий фонди фаолияти йўлга қўйилган. Колаверса, Осиё мамлакатлари навқирон авлодининг лойиҳаларини мувофиқлаштириш мақсадида Осиё ёшлари Сингапур фонди ҳам ташкил этилган. Ушбу мамлакатда ўспиринларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувида интеграциялашувини мувофиқлаштириш мақсадида Ёшлар парламенти фаолият юрτάди.

Тувоқи бўлганимиздек, Сингапурда ёшлар билан ишлаш, асосан, таълим, инновация ва давлат ҳокимиятида навқирон авлод вакиллари фаолиятини ошириш йўналишларида олиб борилади.

Яна бир ривожланган давлат — Япониянинг бу борадаги тажрибаси ҳам эътиборга молик. Бунгун кунда ушбу давлатда мазкур соҳа 2010 йилда қабул қилинган "Болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қонун асосида тартибга солинади. Кўнчар қонун аҳолининг салкам 16 фоизини 15 — 29 ёшдаги йигит-қизлар ташкил этади.

"Ёшларни ривожлантириш миллий стратегияси" аса моҳият эътиборига кўра, эртанги кун эгаларининг соғлом турмуш тарзи, ижтимоийлашувини ва япон жамиятига

интеграциялашувини таъминлашга қаратилган. Японияда ёшлар ишлари билан шуғулланувчи бир нечта давлат органилари мавжуд. Хусусан, Япония ҳукумати аппаратида шахсан Бош вазир раҳбарлик қиладиган ёшлар бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи махсус бўлим ташкил этилган. Шунингдек, Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирилик келажак ворисларини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун масул қилиб белгиланган.

Иктидорли авлодни камол топтириш ва улар ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Ёшлар ташкилотлари миллий кенгаши фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, Ёшларни ривожлантириш миллий ассамблеяси ҳамда ҳар бир ҳудудда маҳаллий ассамблеялар ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифалари йигит-қизларнинг ҳар томонлама камол то-



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

лиши билан боғлиқ ишларни тарғиб қилиш ҳамда ёшлар ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Кўнчар юртада ўсмирларни ҳар томонлама ривожлантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва болалар ҳамда ёшлар саломатлигини қўллаб-қувватлашда Ёшлар марказлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу марказлар аъзолари маҳаллий полиция билан биргаликда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кеңи патруллик ишларида ҳам фаол иштирок этади.

Демак, Японияда ёшлар билан ишлаш,

асосан, таълим, фан, инновациялар, технологиялар, спорт, жиноятчиликнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга йўналтирилган.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини юритишда ҳам миллий аънавалар ва азалий қадриятларимиз, ҳам жаҳоннинг илғор тажрибасига таянишмоқда, десак, адишмаймиз.

Жумладан, давлатимиз раҳбари 2020 йил 25 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форумида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати иқросига янги-ча сурбат баянлаш, эртанги ҳаётда учраётган муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Ушбу форумдаги асосий ташаббуслар Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурига сингдирилди. Ушбу дастурда бевосита навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга оид давлат сиёсатини тақомиллаштиришга қаратилган 25 та банд назарда тутилди.

Шунга мувофиқ, жорий йилда мамлакатимизда Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди, Болалар омбулсдари ва Ўзбекистон талабалар ассоциацияси ташкил этилмоқда. Халқаро таълим дастурлари (имтиҳонлар) бўйича энг юқори балл тўплаган иктидорлиларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартиби йўлга қўйилмоқда. Ёшларнинг илмий ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида илмий дастурни амалга оширишнинг соддаштирилган тартиби жорий этилди.

Шу йилнинг февраль ойида Президентимиз жойлардаги ислохотлар билан яқиндан танишиш мақсадида Фаргона вилоятига ташрифи чоғида яна бир бора йигит-қизларга мурожаат қилиб: "Ҳар бир ёш ҳақида ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман", деб таъкидлади. Ушбу фикрлар

Президент сифатида эмас, балки фарзандларига гамхўр ота сифатида янгради. Мазкур мурожаатда, асосан, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни етуқ кадрлар этиб қамолга етказиш масалаларига ургу берилди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ёшлар билан ишларни ташкил этиш бевосита фан ва таълимдан бошланиши, бу ишлар эса инновациялар, технологиялар, спорт, соғлиқни сақлаш тизимлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши зарур.

Сир эмаски, юртимизда профессионал таълимнинг, хусусан, техникумлар ва коллежлар фаолиятининг қайта йўлга қўйилиши бу борадаги ишларни амалга оширишда катта қадам бўлди. Жараёнда таълимнинг ишлаб чиқариш тармоқларидаги тор соҳаларга йўналтирилиши билан йўналишдаги кадрларга эҳтиёжнинг қондирилиши таъминлайди.

Жумладан, электр ва газли пайвандлаш, турли даражадаги бизнес режа ҳамда лойиҳалар тайёрлаш, қурилуш соҳаси, оғир ва энгил санаят ишлаб чиқариш маҳмуалари, фермер ҳўжалиқлари ҳамда қилстерлар учун эса қиллоқ ва сув ҳўжалиги соҳалари бўйича нур мутахассислари қамолга етказиш айнан профессионал таълим орқали амалга оширилади.

Иккинчидан, олий таълим тизими жамиятда "локомотив" бўлиши лозимлигини, айнан олий таълим кадрлар истеъмолчилари ва бурортманчилари учун мутахассис тайёрловчи бунинг жағлигини инобатга олиб, тизимда бу борадаги ишларни янада жонлантириш зарур.

Бунда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини чинакамга йўлга қўйиш соҳа олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Фан дастурларини тақомиллаштириш, таълим жараёнидаги метёрий ҳўжатларни

таассурот қолдириши, шубҳасиз. 2021 йилда "Adabiyot" нашриёти томонидан "Адиб ва жамият" туркумида чоп қилинган таниқли адиб Уйғун Рўзиевнинг "Шабнам соясида" романи кутубхонанинг ва кўнглингиздан муносиб ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

«Халқ сўзи».

Шу йилнинг февраль ойида Президентимиз жойлардаги ислохотлар билан яқиндан танишиш мақсадида Фаргона вилоятига ташрифи чоғида яна бир бора йигит-қизларга мурожаат қилиб: "Ҳар бир ёш ҳақида ота-онаси қандай қайғурса, мен ҳам шундай қайғураман", деб таъкидлади. Ушбу фикрлар Президент сифатида эмас, балки фарзандларига гамхўр ота сифатида янгради. Мазкур мурожаатда, асосан, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни етуқ кадрлар этиб қамолга етказиш масалаларига ургу берилди.

нинг барча соҳаси учун ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етуқ кадрлар заҳирасини шакллантиришга хизмат қиладди. "Келажакда буюк давлат қуришда ёшлар ҳал қилувчи кўчдир!" деган қатъий таъминийга амал қилиб, тизимли ишларни изчил ташкил этсак, бу йўлда бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилсак, ишонимлики, амалий натижалар ўзини узоқ куттирмайди.

Муҳсин ХОДЖИЕВ, Гулистон давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 260 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Д. Қаримов. МУСАҲҲИҲ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.25 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6